

**Корхона (ташкilot, муассалар ва юридик шах)лар учун қаттиқ маиший чиқинди(ҚМЧ) ва суюқ маиший чиқиндиларни (СМЧ) олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш**

**№ 2 -сонли ШАРТНОМА**

“24” Январ 2022 йил

Бағдод тумани

Бундан буён матнда “Ижрочи” деб аталувчи Низом асосида фаолият олиб борувчи Фарғона вилояти “Тоза Худуд” ДУК Бағдод туман филиали номидан рахбар Б.Зиятов, бир томондан ва бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилувчи Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси номидан рахбар Ж.Шерғозиев иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:**

- 1.1. “Буюртмачи” қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндилар (бундан буён ҚМЧ ва СМЧ деб ўқилсин) ни топширади, “Ижрочи” эса шартномада кўрсатилган ҳақ эвазига “Буюртмачи” томонидан махсус белгиланган жойга йиғилган ҚМЧ ва СМЧ ларни ташиб чиқиб кетишни ўз зиммасига олади, ”Буюртмачи” эса хизмат тўловларини тулаб бериши шарт.
- 1.2. ҚМЧ ларни умумий ҳажми бир йилга 97 м3 4.462.000 сўмни ташкил этади.
- 1.3. СМЧ ларни умумий ҳажми бир йилга -----тонна ----- суммани ташкил этади.
- 1.4. ҚМЧ ва СМЧ ларни умумий қиймати 4.462.000 (тўрт миллион тўрт юз олтмиш икки минг) сўмни ташкил этади.

**2.ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

- 2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх бир м3 ҚМЧ учун 46000 сўм, (ҚҚС билан ҚҚС сиз)
- 2.2 СМЧ хар бир тоннаси учун ----- сўм, (ҚҚС билан ҚҚС сиз).
- 2.3 Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўлов суммаси 4.462.000 (тўрт миллион тўрт юз олтмиш икки минг) суммани ташкил этади.
- 2.4 Ҳисоб-китоб ҳисоб рақамига пул ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади. Шартноманинг 2.1-2.2-бандида қайд этилган маълумотлар тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб учун асос ҳисобланади. Мазкур шартноманинг 1.1-1.2-1.3-бандида кўрсатилган ҳисоб-китоб шартноманинг 10.2-банди талабларига риоя этилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.
- 2.5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.11.2018 йил кунги ПҚ-5580-сонли Фармонида асосан, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўлов истеъмолчилари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилаадиган шартномаларга мувофиқ бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотларга кузда тутилган тўлов суммаси 100 фоиз олдиндан тўлаш асосида амалга оширилади.

**3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

- 3.1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.
- 3.2. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинмишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.
- 3.3. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:
  - а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва ружсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;
  - б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш

ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол- мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундан, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

3.4. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширмаи хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

3.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

3.6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу хавда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

#### **4. “БУЮРТМАЧИ”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1 Қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ҳажми ва олиб кетиш муддати соат 08:00 дан 17:00 гача чиқиндилар йиғиш қутиларига олиб чиқиб ташлаш белгиланган

4.2.ҚМЧ ташланадиган қутиларни қуриш, йирик ҳажмдаги чиқиндилар ва шох шаббаларни ташиб кетиш учун алоҳида ҳақ эвазига бир марталик шартнома тузиш.

4.3. Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қурилмаларига автомашиналарни эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз ҳолатда сақланишини таминлаш.

4.4. ҚМЧ ни ўз вақтида олиб чиқиб кетишини ва СМЧ ларни буюртма асосида олиб чиқиб кетишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда телефонограмма йўллаш орқали “Ижрочига” маълумот бериш.

4.5. Бажарилган ишнинг ҳажмини “Ижрочи”нинг ҳужжатларида “Буюртмачи” вакилининг имзоси ва қорхона мухри билан тасдиқлаб бориш.

#### **5. ”ИЖРОЧИ”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Шартнома кўрсатилган ҚМЧ ташланадиган махсус манзилдан чиқиндиларни махсус автомашиналарда жадвал асосида олиб чиқиб кетилишини таминлаш.

5.2. “Буюртмачи” нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов ҳисобига кўрилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндиларни шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш.

5.3. Хар ой бошига ўтган ҳисобот ой учун шартнома асосида “Буюртмачи” ҳисоб рақамига тўлов талабномасини юбориш.

5.4. “Буюртмачи” томонидан ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида кўрсатилаган манзилдан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.

5.5. Бириктирилган йўналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

5.6. СМЧ ларни олиб чиқиб кетиш бўйича ижрога буюртма бериш.

5.7. Фавқулотда ҳолатларда буюртмачига қўшимча равишда буюртма берилади ва бир марталик шартнома асосида алоҳида ҳисоб китоб қилинади.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. “Буюртмачи” шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0.4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 % дан ошмаган миқдорда “Ижрочи” га пеня тўлайди.

Агар “Ижрочи” ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида ҚМЧ олиб чиқиб кетилмаса, “Буюртмачи” жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос ҳисобланади.

6.2 ”Ижрочи” ўз вақтида ҚМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида хар бир кун учун олиб чиқиб кетмаган ҚМЧ ҳажми киймагидан 0.5%миқдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50% дан ошмаган миқдорида “Буюртмачи”га пеня тўлайди.

6.3 Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

6.4 Ушбу шартномада кўрсатилган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа ҳужжатлар билан белгиланган.

## 7. Шартнома муддати

7.1. Мазкур шартнома «24» Январь «2022 » йилда бошланиб, «31» декабр «2022 » йилда тамомланди.

## 8. Низоларни ҳал этиш тартиби

8.1. Мазкур шартнома юзасидан низолар ва келилишмовчиликлар тарафларнинг ўзаро келишуви билан бартараф этилади.

8.2. Тарафлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган судгача келишмовчиликларни ҳал этиш чоралари( талабнома юбориш ва х.з) кўрилгунга қарамай низо ўзаро ҳал этилмаганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда низони ҳал этиш учун тегишли тартибда иқтисодий судига мурожат этилади.

## 9. Форс-мажор ҳолатлар

9.1. Тарафлар ўз ихтиёрларига қарамай юзага келиши мумкин бўлган сабаблар ёхуд ҳолатлар ( шу жумладан зилзила, сув тошқини, уриш ҳолати тарафларининг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган бошқа табиий офатлар) ҳамда Ҳукуматнинг норматив ҳуқуқий ҳужжати қабул қилиниб, шартномавий мажбуриятларини бажарилишига тўсқинлик қилишига олиб келганда, бу ҳолатлардан хабардор бўлган ёки бўлиши лозим бўлган тараф икки ҳафта олдин бошқа тарафга ёзма равишда маълум қилинган ҳолдагина ушбу ҳолатлар форс-мажор ҳолати ҳисобланиб, ушбу ҳолатлар тарафлар мажбуриятларни бажара олмаганлиги учун жавобгар бўлмайдилар.

## 10. Шартномани бекор қилиш, ўзгартириш ёки қўшимча киритиш тартиби

10.1 Амалдаги шартнома муддатидан олдин қуйдаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

10.2 Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки шартномани муддатидан илгари бекор қилиш ушбу ҳақдаги таклифлар ёзма равишда амалга оширилиб, ваколатли шахслар томонидан имзолангандан сўнггина ҳақиқий деб топиллиб, ушбу илова шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳазначилик бўлимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга қиради.

10.3 Ушбу шартнома икки нусхада бўлиб, хар бири юридик кучга эгадир. Шарнома бир дондан хар бир тарафда сақланади.

## 11. ТОМОНЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

<<Ижрочи>>

<<Тоза ҳудуд>> ДУК Бағдод туман филиали  
(Маиший чиқинди олиб кетувчининг номи)  
Манзил: Бағдод тумани  
Х/Р: 22604000700782008042  
Банкноми: **Ипотека Банк Фаргона**  
МФО: 00544      СТИР: 304906649

Тел: \_\_\_\_\_  
Раҳбар: \_\_\_\_\_ Б. Зиятов  
(имзо)

<<Буюртмачи>>

Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси  
(Маблағ олувчининг номи)  
Манзил: Бағдод шаҳарчаси Бирдамлик  
кўчаси 12 уй  
ШХР: 100022860302097072120054001  
МФО: 00014      СТИР: 200158873  
Х/р: 23402000300100001010  
Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент  
Ғазна ИНН 201122919

Раҳбар: \_\_\_\_\_ Ж. Шерғозиев  
(имзо)



**YURIDIK AHAMIYFTGA EGA BO'LGAN HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. **Loyihaning turi** – Shartnoma.
2. **Loyihaning nomi** – Bag'dod tuman Tibbiyot birlashmasi va “Toza hudud” DUK Bag'dod tuman filiali o'rtasida tuzilgan 4.462.000 so'mlik shartnoma.
3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**-Bag'dod tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 24 yanvar kuni taqdim etilgan.

**Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va “Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida”gi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

Bag'dod tuman yuridik xizmat

ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:



E.Botirov